

Лойиха-смета ишларини бажариш бўйича

1-408-сонли ШАРТНОМА

22110012182896 -сонли ЛОТ

Тошкент шаҳри

2022 йил "17" ноябр

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан 2022 йил 03 октябрдаги 33-сонли Бош ишоннома асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи в.в.б А.Махсудов бир томондан ва “HOUSE GRAND” МЧЖ (кейинги ўринларда «Лойихачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи унинг раҳбари Камалов Ж, иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Лойихачи мазкур шартнома шартларига кўра **Учтепа тумани “А.Қодирий” маҳалласи Дилноз 2-тор кўчасида 0,19 км оқова сув тармоғи ва 1 та насос станцияси қуриш** объекти бўйича амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда мазкур шартнома асосида, лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ижобий экспертиза ҳулосасини олиш, топо-геодезия ва геология ишлари, техник кўрик (техобследование) (заруратга кўра), Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш лойихаси (ЗВОС) ва уни экспертизадан ўтказиш, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назоратини амалга ошириш ишларини бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

1.2. Лойихачи Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар такдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказиб, бўнак (аванс) тўловларини амалга оширган кундан бошлаб ишларни бажаради.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати, тўловлар ва ҳисоб-китоблар

2.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан танлов комиссиясининг 2022 йил 14 ноябр 182896 -сон баёни қарорига мувофиқ бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар шу жумладан, ҚҚС билан **9 000 000 (Тўққиз миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Лойихачи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- буюртмачи томонидан ишлар ҳажмига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда.

2.6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгартириш ва ўшимчалар киритиш Тарафлар ўртасидаги шартномага қўшимча шартнома асосида амалга оширилади.

3. Лойихачининг мажбуриятлари

3.1. Лойихачи қуйидагиларга мажбур:

3.2. Лойихалаш ҳақидаги топшириқга ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ, ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 1-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.3. Тайёр бўлган лойиха-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан келишиш;

3.4. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.5. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.6. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

4.2. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1 ва 2.1. бандларида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Лойиҳачига ҳақ тўлаш;

4.3. Лойиҳачидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан факат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Лойиҳачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошқор қилмаслик;

4.4. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) уч кун муддатда тақдим қилиши шарт.

4.4. Лойиҳачи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Лойиҳачи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

4.5. Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Лойиҳачи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Лойиҳачидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш.

5. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Лойиҳачи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

5.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Лойиҳачига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Лойиҳачига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Лойиҳачига қайтариши шарт.

5.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

5.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

5.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

5.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар

аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Лойиҳачи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Лойиҳачи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойиҳачи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Лойиҳачига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Лойиҳачи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. Форс-мажор ва низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

8. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Лойиҳачининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Лойиҳачининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Лойиҳачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Лойихачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

10. Алоҳида шартлар

10.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

10.2. Лойихачи лойихага ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

10.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

10.4. Буюртмачи билан Лойихачи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш орқали ёзма равишда тасдиқлашлари керак.

10.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

10.6. Мазкур шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қилади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

11. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи:

Лойихачи:

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

“HOUSE GRAND” МЧЖ

Манзил: Тошкент ш., Ниёзбек йули, 1
ШХР: 302021860264667063201110002
тел. 71-234-30-46; 71-234-05-08
ИНН. 305 973 162, ОКЭД 42210
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)
ЯҒҲ: 23 402 000 300 100 001 010
МФО:00014, ИНН: 201 122 919

Жиззах шаҳри А.Навоий кўчаси 2 уй
х/р 2020 8000 9050 3298 2001
АТ “Траст банк” Жиззах ф-и
МФО 01166
ИНН 306 218 466

Тел номер 98 561-37-00

Бошқарма

бошлиғи

М.Ў.

Юрист


(имзо)

А.Махсудов



Рахбар

Камалов Ж



XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT SHAHAR KENGASHINING QARORI

2022 - yil «31» - oktabr

VI-72-281-14-0-K/22

Toshkent shahar hokimligi

Тошкент шаҳрида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг манзилли рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-408-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси ўринбосари Ш.Шукуровнинг Тошкент шаҳрида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг манзилли рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2022 йил 7 сентябрдаги АФ-49-сонли фармойишига асосан Худудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда жойларга чиққан ҳолда шакллантирилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-408-сонли қарорида Худудий ишчи гуруҳ томонидан энг долзарб муаммоларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилган 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг параметрлари тасдиқланганлиги;

дастурлар доирасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачилар этиб:

ички автомобиль йўллари бўйича – Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидаги буюртмачи ташкилотлар;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизими объектлари бўйича – “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” унитар корхонаси;

электр энергияси ва газ таъминоти объектлари ҳамда алоқа тармоқлари бўйича – тегишинча “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ, “Ўзбектелеком” АК худудий филиаллари;

ижтимоий соҳа объектлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари, ободонлаштириш ва тунги ёритиш ускуналарини ўрнатиш ишлари ва бошқа объектлар бўйича Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари ҳамда ушбу объектларни сақлаш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари бўйича – тегишли тармоқ корхоналари белгиланганлиги;

қурилиш-таъмирлаш ишлари Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” жамғармалари орқали молиялаштирилиши. Бунда, маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга бюджетлараро трансфертлар сифатида ажратилиши;

2022 йилда ажратилиб, йил якунига қадар ўзлаштирилмасдан қолган маблағлар Давлат бюджетига қайтарилмаслиги ва ушбу маблағлар 2023 йил Дастурларида назарда тутилган объектларнинг қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлаш учун мақсадли йўналтирилиши;

объектлар учун ажратилган маблағлар лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан аниқланган ишлар ҳажмини молиялаштиришга етишмаган тақдирда, қўшимча харажатлар тегишинча Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштириш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Тошкент шаҳрида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг манзилли рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари (Х.Шакиров, Б.Рахмонов, Ш.Рахимджанов), “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси (Р.Кучкаров), Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2022 йил 15 ноябрга қадар Дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар (объектлар)нинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш чоралари кўрилсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари (Б.Рахмонов, Ш.Рахимджанов):

Дастур доирасида амалга ошириладиган барча лойиҳалар бўйича лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларни аниқлаш жараёнларининг коррупциядан холи, очик рақобат шароитларида бўлишига, ажратилган капитал қўйилмаларнинг ўз вақтида ва мақсадли ўзлаштирилишига, қурилиш ишларининг сифатли ҳамда белгиланган қурилиш меъёрларига мувофиқ олиб борилишига ҳамда қувватларни ўз вақтида фойдаланиш учун топширишга, шунингдек тармоқ, вазирлик, идора ва (ёки) хўжалик бирлашмалари буюртмачилигидаги Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишларни ўз вақтида ва сифатли олиб бориш учун шаҳар ҳокимлиги ваколатидаги барча қулай шарт-шароитларни яратиб берилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги Давлат Молиявий назорати бошқармаси (Ш. Яриев):

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ва бюджет тизимида оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя қилиш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан олиб борилаётган назорат ишларини янада кучайтириш чора-тадбирларини кўрсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосарлари Х.Шакиров ва Б.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi



ARTIKXODJAYEV J. A.

Xalq deputatlari Toshkent shahar Kengashining
2022 yil 31 oktabrdagi
VI-72-281-14-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Ташкент шаҳрида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар
дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг
манзилли рўйхати**

Т/р	Туман номи	Маҳалла номи	Амалга ошириладиган тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	1	Миробод	Топариқ МФЙ	Топариқ МФЙ биносини таъмирдан чиқариш	объект
2	Олмазор	Юқори Себзор МФЙ	Маҳалладаги кўп квартирали 52-уйнинг 5 та лифтини янгилаш	дона					
3	Сергели	Иззатли МФЙ	"Бурафшон кўчасидаги 0,16 га бўш ер майдонда сунъий қопламали футбол майдони ҳамда "Street Workout" майдончаларини қуриш.	дона					
4	Сергели	Садокат МФЙ	Хонабод кўчасини тўлиқ реконструкция қилиш, пиёдалар йўлаги қуриш, светофор ва йўл белгилари ўрнатиш ҳамда бетон бордорлар ўрнатиш.	кв.м./дона/п.м.					
5	Сергели	Султонобод МФЙ	Маҳаллага 4 та янги (630) трансформатор ўрнатиш ҳисобига аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш.	дона					
6	Сергели	Хонобод МФЙ	Беруний асосий кўчаси бўйлаб 1,7 км (5950 кв.м.) узунликда пиёдалар йўлаги қуриш.	кв.м.					
7	Сергели	Хонтепа МФЙ	"Хонтепа" маҳалласида 9,3 километр узунликдаги 8 та кўчага 23510 м.кв асфальт қопламаси ётқизиш.	кв.м.					
8	Сергели	Фароғатли МФЙ	Маҳалла ҳудудидagi 2, 3, 4, 5, 6, 7, 11, 12, 13, 15 ва 16 кўп қаватли уйларга янги лифт ўрнатиш.	дона					
9	Сергели	Кубай-тепа МФЙ	Кубай-Тева, Бозор ва Ахунбобоев кўчаларида жами 2600 п/м узунликдаги ичимлик суви тармоғини ўтқизиш	П/М					
10	Учтепа	Дегрез	106-сонли мактаб ҳудудида спорт майдончаларини қуриш	объект					
11	Учтепа	Богичинор	Богичинор кўчасида қиш мавсумида газ босимининг пасайиб кетишини баргараф этиш, газ тақсимлаш пункти (ГТП), 57 диаметрли 100 метр тармоқ қуриш.	км					
12	Учтепа	А.Қодирий	"А.Қодирий" маҳалласи Дилноз 2-тор кўчасида 0,19 км оқова сув тармоғи ва 1 та насос станцияси қуриш.	км					
13	Учтепа	Журжоний	Сақоний кўчасидан Фарход кўчаси бўйлаб Фозилтепа ва Фарход кўчаси чорраҳасигача 0,47 км оқова сув тармоқларини қуриш.	км					
14	Учтепа	Шарқ Юлдузи	Лочин кўчасида 0,420 км узунликдаги ичимлик суви қувурларини янгисига алмаштириш.	км					
15	Учтепа	Ибрат	60 та замонавий видеокўзатув камераларини ўрнатиш лозим.	дона					
16	Учтепа	Латифгузар МФЙ	Латифгузар "Шароф - 0", "Шароф - 1", "Шароф - 2", "Шароф - 3", "Шароф - 4", "1-тор тўқимачи", "2-тор тўқимачи", "3-тор тўқимачи", "4-тор тўқимачи", "Маҳорат" ва "Зулфизор" кўчалари оқова сув учун лоток ариқлар йўқ бўлиб, ёғингарчилик мавсумида сув кетмаганлиги натижасида 30 дан ошқ хонадонлар азият чекмоқда.	км					

17	Учтепа	Ватанпарвар	махалладаги кўп қаватли уйларнинг ташқи кнефасини яхшилаш ҳамда агроф муҳитни ободонлаштириш. (25, 26, 30, 31 уйларнинг 1100 кв.м ички йўлларини таъмирлаш; 24, 25, 26, 29, 33 уйлар ён тарафида 1000 кв.м автотурагохлар ташкил этиш; 31 уйнинг олди тарафи, 33 уй орқа томони, 34 уйнинг олди ва орқа томони 36,37,38-уйларнинг олди томонларида 750 п.м. ирригация тармоқларини таъмирлаш; 37,28,29,30 уйлар ён ва олди тараф қисмига 3та спорт майдончалари қуриш; 15, 16, 24, 24а, 26, 27, 28, 29 уйлар оралиғига ёритиш мосламаларини ўрнатиш, 36 уй орқа тарафини ёритиш мосламаси ўрнатиш; маҳалла ҳудудидда 27 та уйнинг олди ва ён тарафларига 108 дона кузатув камералари ўрнатиш)	м2 м2 п/м дона
18	Учтепа	Ўтқир	Ҳақачи кўчаси 30-уй орқа томонида (20*40) футбол майдончаси ва спорт майдончасини қуриш.	объект
19	Яккасарой	Ракат МФЙ	Ракат 1-тор, Шохжаҳон, Қўзилқум, Сардоба, Боғинав кўчаларида электр қуввати паст.	объект
20	Яккасарой	Ракатбоши МФЙ	Ўрикзор 2-, 3-тор кўчаларидан Боҳодир кўчасигача, Ж.Шошій ва Аския кўчаларига асфальт ётқизиш керак (12500 кв.м)	кв.м
21	Яккасарой	А.Қаҳҳор МФЙ	М.Таробий, Дамарик 2 тор, Кулол Тупроқ, Ҳ.Умарбеков кўчаларига (Жами 10786 кв.м) асфальт қопламаси ётқизиш керак. Асфальт ҳолати ёмон аҳволда	кв.м
22	Яккасарой	Шохжаҳон МФЙ	Шохжаҳон кўчасига 1,276км узунликдаги Д-700мм ўлчамдаги иссиқлик қувурини алмаштириш зарурияти мавжуд	км
23	Янгиҳаёт	Янги Чоштепа МФЙ	"Янги Чоштепа" маҳалласи аҳолиси учун "Тошкент халқа автомобиль йўли"га чиқишда пиёдалар учун ер усти пиёдалар ўтиш йўлигини қуриш	дона
24	Янгиҳаёт	Марҳамат МФЙ	"Марҳамат" маҳалласида яшовчи нурунийлар томонидан маҳалла ҳудудига "Нурунийлар чойхонаси" қуриб, фойдаланишга топшириш.	дона
25	Янгиҳаёт	Гулшанобод МФЙ	"Гулшанобод" маҳалласида аҳоли автотранспорт воситаларини сақлаш учун кўп қаватли автотурагох қуриб, фойдаланишга топшириш.	дона
26	Бектемир	Мажнунғол МФЙ	Маҳаллада электр энергиясида узилтишлар ва тез ўчиш содир бўлмоқда.	км
27	Бектемир	Гулбоғ МФЙ	Маҳаллада 12,8 км янги ичимлик суви тармоқларини тортиш ҳисобига аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш.	км
28	Бектемир	Бектемир МФЙ	Маҳалладаги 754 та хонадонда яшовчи 3 748 дан ортиқ аҳоли оқова сув тармоғи билан таъминланмаган.	п.м
29	Бектемир	Устозлар МФЙ	Маҳалладаги 825 та хонадонда яшовчи 3726 дан ортиқ аҳоли оқова сув тармоғи билан таъминланмаган.	п.м
30	Бектемир	Соҳил МФЙ	Маҳалла ҳудудига янги 4110 п/м ичимлик суви тармоқларини тортиш ҳисобига 2065 дан зиёд аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш.	п.м
31	Мирзо Улугбек	Катта Қорасув МФЙ	Ҳудудда жойлашган 520-давлат мактабгача таълим ташкилоти (қуввати 420 ўринли) биносининг фасад қисмини таъмирлаш.	объект
32	Мирзо Улугбек	Авайхон МФЙ	Маҳалла ҳудудигаги Г'ете кўчаси, 54-уйини (ётоқхона) капитал таъмирлаш	объект
33	Мирзо Улугбек	Ал-Фаробий МФЙ	Ҳудудда жойлашган кўп квартиралли уйлар орасига автотурагох ва ички йўлларга 8100 кв.м асфальт ётқизиш; 4 та болалар майдончасини ўрнатиш, 4 та спорт майдончасини ўрнатиш .	кв.м./дона
34	Мирзо Улугбек	Бешкапа МФЙ	Буюк Ипак Йўли кўчаси 421-уй манзилидаги кўп қаватли уйнинг фасад қисмини, юриш йўлақларини, умумий ошхонасини, умумий ванна ва хожатхонаси таъмирлаш.	объект
35	Мирзо Улугбек	Заковат МФЙ	Фаровон ҳаёт кўчасига 6 км узунликдаги ирригация тармоғини ўрнатиш	п.м.
36	Мирзо Улугбек	Иктидор МФЙ	Маҳалла ҳудудигаги 3 та электр таъминот трансформаторини янгилаш ҳамда 50 дона ёғоч конструкцияли симиғочларни темирбетон конструкцияли симиғочларга алмаштириш.	объект

37	Мирзо Улугбек	Дархон МФЙ	Катта-Дархон 3-тор, Катта-Дархон 1-тор, Кумушқон, Юкори-Дархон, Қиёт ва Қиётбод кўчалари кўп йиллар давомида таъмирланмаган, ёмон аҳволда, аҳоли ҳаракатига ноқулайликлар яратмоқда. Салар бўйи кўчаси Салар анқорси бўйида ҳонадонлар олди қисми ўтирилиб тушмоқда, фуқароларга хавотир тулдирмоқда. Катта-Дархон 1-тор ва Катта-Дархон 1, 1/А, 2, 2/а, 3, 3/а, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12 уйлар олди таъмирлаб, 20 000 м2 асфальт қилиш ва спорт майдончаси ва болалар майдончаси қуриш	кв.м./дона
38	Мирзо Улугбек	Лашкарбеги МФЙ	Маҳалла ҳудудидаги Қори Ниёзий, Лев Толстой, Мустақиллик, Лашкарбеги, Хамид Олимжон, Ниёзбек йўли, Ниёзбек йўли 6-тор, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаларни 14000 м.кв мукамал таъмирлаш ишларни олиб бориш ва асфальт ётқизиш. Спорт майдончаси ва болалар майдончаси қуриш.	объект
39	Мирзо Улугбек	Ойдин МФЙ	"Ҳамид Олимжон" МФЙни "Обод маҳалла" дастурига асосан ободонлаштириш. "Ойдин" маҳалласи фуқаролар йиғини янги маҳалла сифатида ташкил топганлиги сабабли иш фаолиятини олиб бориши учун хизмат биноси қуриш.	объект
40	Мирзо Улугбек	Турон МФЙ	"Турон" МФЙ ҳудудида жойлашган 26 кўп қаватли уйларнинг ташқи кўриниши (фасади) таъмирлаш.	объект
41	Мирзо Улугбек	Шаҳрисабз МФЙ	Шаҳрисабз ва Оқибат МФЙ оралиғидаги йўлни таъминлаш	объект
42	Чилонзор	Бектўли МФЙ	Маҳалла ҳудудида 600 кв.м ички йўлларни асфальт қоптамаси билан мукамал таъмирлаш	кв.м/п.м.
43	Чилонзор	3-Катта Чилонзор МФЙ	3-Катта Чилонзор МФЙ ҳудудида жойлашган 23-сонли уйдати собиқ ётоқхона биносини мукамал таъмирлаш	объект
44	Чилонзор	Катта Навбахор МФЙ	Маҳалла ҳудудида жойлашган Республика кадастрлар палатасига тегишли бўлган автогураргоҳ ўрнига Маҳалла гузарини қуриш.	объект
45	Чилонзор	Диёр МФЙ	"Диёр" МФЙ учун янги бино қуриш	объект
46	Чилонзор	Меҳржон	Меҳржон МФЙ 12-13 уйлар оралиғида жойлашган электр энергия трансформаторни янгилига алмаштириш.	Дона
47	Шайхонтоҳур	Хувайдо МФЙ	Хувайдо маҳалласи, Хувайдо кўчасидаги бўлиб турган ер майдонига бино қуришга руҳсат бериш яъни "Ёшлар меҳнат гузарини" барпо этиш орқали ёшлар учун ўқув гунаҳарларини ва янги иш ўринларини яратиш.	дона
48	Шайхонтоҳур	Ўқчи МФЙ	"Ўқчи" маҳалласи ҳудудида маҳалла биноси мавжуд эмас. Маҳалла биносини қуриш.	дона
49	Шайхонтоҳур	Олмазор МФЙ	"Олмазор" маҳалласи ҳудудида маҳалла биноси мавжуд эмас. Маҳалла биносини қуриш.	дона
50	Шайхонтоҳур	Оқилон МФЙ	Оқилон маҳалласи газ босимини кўтариш	дона
51	Шайхонтоҳур	Каттаҳовуз МФЙ	Каттаҳовуз маҳалласи "Тор" кўчасидаги яқка тартибдаги уйлар орқали ўтган Шаҳар 1-сон клиник шифохонаси оқова сув қувури (канализация) йўналишини ўзгартириш ҳамда Жалолобод 73-75 уй рўпарасидаги ўтган оқова сувлари ариқларини қайта тиклаш	метр
52	Шайхонтоҳур	Сузукота МФЙ	Сузукота, Сузукота 1-тор ва берк, Ватан берк, Душанба берк, Термиз тор кўчалари канализация тармоғини ўтказиш керак. 1 та насос, 4502 тармоқ п.м метр.	п.метр
53	Юнусобод	Регистон МФЙ	Регистон маҳалла ҳудудида маҳалла идораси қуриш	объект
54	Юнусобод	Боғибўстон МФЙ	Машинасозлар кўчаси 1-сонли кўп қаватли уй (ётоқхона)ни мукамал таъмирлаш керак	объект
55	Юнусобод	Фирдавсий МФЙ	Фирдавсий, Фирдавсий 2-тор кўчаларида ирригация тизимини ташкил этиш	п/м
56	Яшнобод	Жарбоши МФЙ	Маҳалла ҳудудида ўтказилган газ тармоғининг босими пастлиги сабабли 7,5 минг метр узунликдаги ўрта босимли газ тармоғини ўтказиш.	метр
57	Яшнобод	Ибрат МФЙ	Маҳалла кўчаларидаги жами 10,0 минг кв.м йўлни асфальт қилиш.	метр

58	Яшнобод	Туйғепа МФЙ	Маҳаллада жойлашган 145-сонли умумтаълим мактабининг иситиш тизимини таъмирлаш ва муассаса ҳудудига замонавий футбол майдони қуриш.	дона
59	Яшнобод	Маърифат МФЙ	Маҳалла ички кўчаларида жами 20,2 минг кв.м. асфальт қопламаси ётказиш.	км
60	Яшнобод	Ўқчи Олмазор МФЙ	Маҳалла ҳудудига янги замонавий стрит воркаут, югуриш ва спорт майдончаларини қуриш.	дона
61	Яшнобод	Қўйиқобод МФЙ	Қўйиқобод МФЙга замонавий бино барпо этиш.	дона
62	Яшнобод	Бехизор МФЙ	Мунаввар СМП кўчасидаги (127 та хонадонларга) 1600 метр оқава сув тармоғини ўтказиш.	метр
63	Яшнобод	Катта Янгиобод МФЙ	Маҳалла ички кўчаларини 15 355 кв.м асфальт қопламаси ётказиш.	кв.м
64	Яшнобод	Ойдинқул МФЙ	Маҳалла ички кўчаларини 6 500 кв.м асфальт қопламасини ётказиш.	кв.м
65	Яшнобод	Шоҳсанам МФЙ	1-тор Янгилик кўчаси 9000 п.м ва 1-тор Мураббий кўчаси 480 п.м ичимлик сув тармоғини таъмирлаш.	п.м.
66	Яшнобод	Шоҳмардон МФЙ	Маҳалла ички кўчаларига 12 360 кв.м асфальт қопламасини ётказиш.	кв.м
67	Яшнобод	Янгиноур МФЙ	Маҳалла ички кўчаларини 9 800 кв.м асфальт қопламаси ётказиш.	кв.м

7	Бектемир тумани Устолар МФЙ даги 825 та хондонда яшовчи 3726 дан ортқ аҳоли оқова сув тармоғи билан таъминланмаган шў жўмладан ЛҚН:	2022 йил	3,9 км	2 746,0000	98,2820														Тендер (танлов) орқали танлаб олинади
				98,2820															
8	Бектемир тумани Соҳал МФЙ ҳудудда янги 4110 п/м ичимлик суви тармоқларини тортиш ҳисобига 2065 дан тийд аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш шў жўмладан ЛҚН:	2022 йил	4,1 км	2 900,0000	103,6650														Тендер (танлов) орқали танлаб олинади
				103,6650															
9	Шайхонтоҳур тумани Каттаховул маҳалласи "Тор" кўчасидаги яққа тартибдаги уйлар орқали утган Шаҳар 1-сон клиник шифохонаси оқова суи кўзури (канализация) йўналишини ўзгартариш ҳамда Жалолобод 73-75 уй рўparasидаги утган оқова суилари ариқларини қайта тиклаш шў жўмладан ЛҚН:	2022 йил	0,4 км	200,0000	8,8200														Тендер (танлов) орқали танлаб олинади
				8,8200															
10	Шайхонтоҳур тумани Сузукота МФЙ Сузук ота, Сузук ота тор ва берк, Ватан берк, Душанба берк, Термиқ тор кўчалари канализация тармоғини ўтказиш керак. 1 та насос, 4502 тармоқ пм метр шў жўмладан ЛҚН:	2022 йил	4,5 км	1 820,0000	81,7900														Тендер (танлов) орқали танлаб олинади
				81,7900															
11	Яшиобод тумани Бехизор МФЙ Мўнавар СМП кўчасидаги (127 та хондонларга) 1600 метр оқова суи тармоғини ўтказиш шў жўмладан ЛҚН:	2022 йил	1,6 км	720,0000	31,1400														Тендер (танлов) орқали танлаб олинади
				31,1400															
12	Яшиобод тумани Шохсанам МФЙ 1-тор Янгилик кўчаси 9000 п.м ва 1-тор Мурабий кўчаси 480 п.м ичимлик суи тармоғини таъмирлаш шў жўмладан ЛҚН:	2022 йил	9,5 км	155,0000	94,3250														Тендер (танлов) орқали танлаб олинади
				94,3250															

(*) Объектлар қўявати ва қўяматига "Шаҳарозлик ҳужжатлари экспертизаси" шў илғобий ҳўласаси олинғандан кейин аниқлик киртиллади.



"Кирғизлик"
 "Сув таъминоти ва оқова суи объектлари қўринини бунйча илғажинини қўмандисини" УҚ Ташкент шаҳар ва Ташкент вилояти ҳўдўди бошқармаси бошлиғи в.п.б.
 А.Махсудов
 2022 йил " " "



"Келишилди"
 Ташкент шаҳар Иқтисодий Арақидиёт ва камбағалликни қисқартариш бош бошқармаси
 2022 йил "09" "17"



"Келишилди"
 Ташкент шаҳар Мелин илғоб бошқармаси
 2022 йил " " "

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 182896 на приобретение Учтепа тумани “А.Қодирий” маҳалласи Дилноз 2-тор кўчасида 0,19 км оқова сув тармоғи ва 1 та насос станцияси қуриш.

Способ проведения электронный

Дата 14.11.2022

Время рассмотрения 14.11.2022 18:39

Закупочная комиссия ГУП Инжиниринговая компания по строительству объектов водоснабжения и канализации Министерство жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MAXSUDOV ANVAR SOYIBOVICH	Бошқарма бошлиғи в.б	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
Секретарь комиссии	ISAQULOVA DILNOZA BERDIKULOVNA	Начальник отдела	УП “Инжиниринговая компания по строительству объектов водоснабжения и канализации» по г.Ташкенту и Ташкентской области
Член комиссии	OKILOV RASHODXON RAMIZXON O‘G‘LI	Бўлим бошлиғи	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH	Бўлим бошлиғи	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	URALBAYEV FARMONBEK TURABAYEVICH	Зам.директора	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	MUXITDINOV ISLOM ISROILOVICH	Заместитель начальника управления	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.11.2022 года № лота 182896.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Учтепа тумани “А.Қодирий” маҳалласи Дилноз 2-тор кўчасида 0,19 км оқова сув тармоғи ва 1 та насос станцияси қуриш.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за	9 117 900.00

единицу	
Стартовая сумма	9 117 900.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Гувоҳнома мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувоҳнома мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МАНКАМ BUILDING MCHJ	30	30	30	Экспертная		
OOO HOUSE GRAND	30	so'ralgan fayl taqdim etildi	30	Экспертная		
COMPLEX GRAPHICS MCHJ	30	So'ralgan fayl taqdim etildi	30	Экспертная		

Критерий №2 Ишларни бажаришга лицензия мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажаришга лицензия мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МАНКАМ BUILDING MCHJ	30	30	30	Экспертная		
OOO HOUSE GRAND	30	so'ralgan fayl taqdim etildi	30	Экспертная		
COMPLEX GRAPHICS MCHJ	30	So'ralgan fayl taqdim etildi	30	Экспертная		

Критерий №3 Ташкилот тўғрисида умумий Маълумот-

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот тўғрисида умумий Маълумот-

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МАНКАМ BUILDING MCHJ	40	40	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Ташкилот тугрисида маълумот тулик юкланмаган
OOO HOUSE GRAND	40	so'ralgan fayl taqdim etildi	40	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
COMPLEX GRAPHICS MCHJ	40	So'ralgan fayl taqdim etildi	40	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО HOUSE GRAND	9 117 900.00	9 000 000.00 UZS	9 000 000.00	00.00	9 000 000.00	14.11.2022 14:38:50	100
COMPLEX GRAPHICS MCHJ	9 117 900.00	9 117 900.00 UZS	9 117 900.00	00.00	9 117 900.00	14.11.2022 16:15:49	98.70694

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО HOUSE GRAND	Прошел	100	100
МАНКАМ BUILDING MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
COMPLEX GRAPHICS MCHJ	Прошел	98.70694	98.70694

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 182896 от 14.11.2022 года на приобретение Учтепа тумани "А.Қодирий" маҳалласи Дилноз 2-тор кўчасида 0,19 км оқова сув тармоғи ва 1 та насос станцияси қуриш. определила победителем:

ООО HOUSE GRAND
306218466

и резервный исполнитель: COMPLEX GRAPHICS MCHJ (306408443)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MAXSUDOV ANVAR SOYIBOVICH	Согласен	
Член комиссии	OKILOV RASHODXON RAMIZXON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH	Согласен	
Член комиссии	MUXITDINOV ISLOM ISROILOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**182896 лот юзасидан шакланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

16.11.2022 21:54

Комиссия раиси:

MAXSUDOV ANVAR SOYIBOVICH



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ЛИЦЕНЗИЯ

№ 034252

"000 HOUSE GRAND" MASULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти учун лицензия

ЛИЦЕНЗИЯ РЕЕСТРИ БЎЙИЧА ТАРТИБ РАҚАМИ

L-523949

СТИР (СОЛИҚ ТУЛОВЧИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИОН РАҚАМИ)

306218466

АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

05.08.2022дан

ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)

Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, JIZZAXLIK MFY SH.RASHIDOV , 13

ВАКОЛАТЛИ ОРГАН

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги

05.08.2022

ТАҚДИМ ЭТИЛГАН САНА



Фаолият тури

Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш

Саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш

Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш

Қўшимча маълумотлар

ОБЪЕКТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИК ТОИФАЛАРИ

Тоифа

II - Тоифа

License

SYSTEM

